

Фикҳ дарслари (127-дарс). Аллоҳ таоло покликни севади



14:30 / 11.03.2021 4800

Ҳадиси шарифда айтиладики: «Поклик – имондандир». Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Яхшидир яхшиликни севади, Сахийдир саховатни севади, Покдир покликни севади. Покланинглари ён атрофингизни пок тутинглари. Ҳадиси шарифда «Поклик иймонга чақиради. Иймон эса ўз эгаси билан жаннатда биргадир» дейилган.

لِكَبِّ وَءَامَلِ ابْهُ لَأَوْزُقْ شَيْئَ رَثْ أَيْ قَبْ نِإِوْءِ نَيْ عِلْ أَوْزَبِ يَّئِ رَمْرَمِ سَجَّ نَعُ عَيْ شِلْ لِرْ طِي
لِي زُمْرَعِ ئَامِ
مَدَعَى لِكْرْتِي وَوَلَسْ عَيْ أَلِإِوْءِ نَكْمَ أَنْ إِيْثْ أَلْثْ هِرْصَعْ وَهَلْ سَغْبُ هُرْثْ أُرِيْ مَلْ أَمْ نَعْ وَ
هَسْبِ أَيِ كَرْفِ وَأَهْلِ سَغْبِ يَنْ مَلْ لِنَعْ وَ مُمْثُ وَ نَارْطِقْ لِ
ضُرْ أَلِابِ كِلْ دَلِابِ مَرْجِ يَنْ سَجَّ نَعُ فُخْ لِأَوْ

هَلْ يَلْعَبُ امْرُؤٌ لِيَوْمٍ يُرْتَبُ طَاسِبًا لَوْ اَوْحَىٰ لِي سَلْ اَوْ اَطَقَ لِي سَعْلًا بِهَرِيغٍ نَعَىٰ
عَالِصًا لِي لِي رَثًا لِي اَبَاهُ دَوَسًا بِي لِي اَبِ اَلْكَوْلِ اَوْ صُحُوكًا اَوْ اَبَ لِي صَاتَا اَمَّ وَاَوْضُرَّ اَلْاَوْ
مَمَّ يَتَلَا اَل

اَلرِّيْطِ اَعْرُخَ وَاَلْاَمَّ وَاَسَرَفَ لَوَبَّكَ يَفِيْ فَاخِ سَجَّ نَمَّ بَوَّثَ لِي اَعْبُرَنَّ وَاَمَّ يَفْعُ يَو
نَمَّ جَخَّ اَمْرِيْ اَسَكَ طِيْلَعُ نَفَّ جَا جَدَلَا اَلْاِرْهَاطُ فَاَلْاَوْيُ رِيْطُ اَعْرُخَ اَمَّ اَوْ اَلْاَوْيُ
رَدَّقَ وَاَفِيْ ثَكُّ لِي اَفِيْ لَاقُ ثَمَّ وَاَمَّ رَدَّلَا رَدَّقَ هُنَّ مَّ يَفْعُ يَو اَمَّ اَوْ نِيْ جَخَّ مَلَا
قِي قِرْلَا اَفِيْ فَكُّ لِي اَضْرَعُ

وَاَسَكَ عَكَ سَجَّ نَمَّ سَجَّ نَمَّ يَلْعَبُ دَرُوْءًا اَمَّ وَاَعْيَشَ بَسِيْلًا رِبَالًا سُوْرُ لِي ثَمَّ حَضَتْ نَمَّ اَلْوَبَّ وَا
اَحَلَّ مَرَا صِرَامًا حَكَ رَهَاطًا رَدَّقَ لِي اَدَامَرَ وَا

سَجَّ نَمَّ هُنَّ رَخَّ اَفَرَطٍ طَاسِبًا فَرَطَ يَلْعَبُ وَاَعْرُخَ سَجَّ نَمَّ هُنَّ اَطَبَّ بَوَّثَ يَلْعَبُ يَلْصِيْ وَا
اَبْطَرَ عَضُوْ وَاَوَّ اَرُصُّ عُنَّ اِنَّا عَيْشُ هُنَّ مَرُطِقِيْ اَلْاَلْ ثِيْحَبُ وَاَوْدُنَّ سَجَّ نَمَّ هُنَّ يَفَرَّطٍ بَوَّثِيْ فَو
لَسُ عَفَّ هُنَّ مَرَّ سَا جَنَلَا لَحَمَّ يَسُنُّ وَاَوَّ سَبِيْ فُنِّيْ قِرْسَ هُنَّ يَفِيْ طَبَّ نَمَّ يَطَّ اَمَّ يَلْعَبُ
رُهَطَاتَا هُنَّ اِنَّا اَبَّ هَدَّ وَاَوَّ اَضْعَبَّ لَسُ عَفَّ فَاَهَسَّ وَاَوَّ رُمَّ اَهِيَ لَعَلَّ اَبَّ اَطَّنَّ حَكَ هُنَّ مَرَّ فَرَطَ

Нарса кўринадиган нажасдан сув ва ҳар қандай кетказувчи суюқлик билан нажаснинг ўзини кетказиш ила пок бўлади. Гарчи кетиши қийин бўлган асари қолса-да.

Асари кўринмайдиган нажасдан агар имкони бўлса, уни уч марта ювиб, сиқиш билан пок бўлади. Бунинг имкони бўлмаса, ювиб, сув томмайдиган бўлгунича тарк қилинади, кейин яна шундай қилинади, сўнгра яна шундай қилинади.

Манийдан покланиш уни ювиш ёки қуриб қолганини уқалаб ташлаш билан бўлади.

Махси жисми бор нажасдан уни ерга ишқаш билан пок бўлади. Ундан бошқасидан фақат ювиш билан пок бўлади.

Қилич ва унга ўхшаш нарсалар масҳ билан тозаланади.

Гилям устидан бир кеча сув оқизиш билан пок бўлади.

Ер ва ўсиб турган қамишдан ясалган қапа ва ўт-ўланларга ўхшаш ерга ёпишган нарсалар қуриши ва (нажосат) асарининг кетиши билан намоз учун пок бўлади, таяммум учун пок бўлмайди.

Отнинг ва ейиладиган ҳайвонларнинг пешоби ва ейилмайдиган қушнинг ахлати каби енгил нажосатда кийимнинг тўртдан биридан ози афв қилинади.

Аммо ейиладиган қушнинг ахлати покдир.

Илло, товуқники худди икки чиқиш йўлидан чиқадиган нарсалар, қон ва ароқ каби оғир нажосатдир. Ундан (оғир нажосатдан) дирҳам миқдори афв қилинади. У қуюқ нажосатда бир мисқол, суюқда кафт миқдоричадир.

Игнанинг учига ўхшаб сачраган пешоб ҳеч нарса эмас.

Нажаснинг устига тушган сув нажасдир. Аксинча бўлса ҳам шу каби.

Тезакнинг кули худди тузга айланиб кетган эшак каби покдир.

Авра-астарли кийимнинг бир тарафида нажас бўлса, бошқа тарафида намоз ўқиса бўлади.

Бир тарафида нажас бор гиламнинг бошқа тарафида, агар сиқилса қатра томмайдиган-у, аммо нажосатнинг бир оз ҳўли зоҳир бўлиб турган ва тезак аралашган лойдан қилиниб, қуриб кетган нарса устига ҳўл бўйича қўйилган кийимда намоз ўқиса бўлади.

Агар нажосат жойи эсдан чиққан бўлса-ю, бир тарафи ювилган бўлса ҳам жоиз. Бу худди буғдойга уни тепалаётган эшаклар бавл қилса, унинг бир қисми ювилса ёки кетказиб юборилса покланганидек.

Нажас ифлос нарсадир. Бу бобда нималар нажаслиги ва улардан покланиш қандай бўлиши ҳақида сўз юритилади.

Нажас покнинг зиддидир. Шаръий эътиборда ифлос саналган нарса нажас бўлади.

Аллоҳ таоло доимо қалбимизни ва жисмимизни пок қилиб жаннатига эриштирасин!

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди